

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 5 март, Душанба

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 44 (10.853)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси** Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қарорлар тайёрлаш Миллий дастурининг Сурхондарё вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳар Маънавият тарғибот марказида бўлиб ўтган семинар мамлакатимиз Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан бажариладиган ишлар муҳокамасига бағишланди. Семинар давомида аниқса вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси қошидаги «Ёш тарғиботчилар» гуруҳининг чиқиши барчани мамнун этди.

● 2006 йилда 3654 тонна калава-ип тайёрлаб, хориждаги буюртмачиларга 8 миллион 645 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот жўнатган Намангандаги «ПОП-ФЕН» корхонаси ўтган йил якуни бўйича Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг «Энг яхши экспортчи» номинацияси бўйича ғолиблик дипломини қўлга киритди.

● Каттақўрғон туманида Самарқанд вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва вилоят халқ ижодиёти уйи томонидан ташкил этилган халқ талантларининг «Наврўз — 2007» минтақавий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда Нарпай, Пахтачи, Қўшработ, Нуробод, Каттақўрғон, Иштихон туманлари ва Каттақўрғон шаҳри этнографик гуруҳлари ва бадий жамоалари ҳамда ҳаваскорлар иштирок этди.

● АК «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг»нинг минтақавий филиали бугунги кунда Навоий вилоятидаги деҳқонларга тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини харид қилишда катта ёрдам бермоқда. Чунинчи, жорий йилда акциядорлик компанияси фермерлардан 400 та трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш юзасидан буюртма қабул қилди. Бахорги экиш мавсуми арафасида фермер хўжаликлари 20 та замонавий техника воситалари ва асбоб-анжомларини олдилар.

● Тошкент вилоятининг Фазалкент туманида «Ўлкашунослик» музейи очилди. Ушбу маданий муассасадан юрт тарихи ва табиғати оид кўплаб қизиқарли маълумотлар ўрин олган. «Ўлкашунослик» музейида миядан ортик экспонатлар бўлиб, уларнинг 50 дан ортиги археологик қазилмалар натижада топилган манбалар ҳисобланади. Ушбу музейда XV асрдан бугунги кунгача бўлган манбалар мавжуд.

● Олтиариқ туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежига ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳасига кўра замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари келтирилди. Умумий қиймати 1 миллиард сўмга тенг бўлган мазкур воситалар ёшларга назарий билимларни шу ернинг ўзида амалиётда синаш имконини беради.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Эстонияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, унда илк бор фуқаролар Интернет орқали ҳам электрон тарзда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишди.

● Латвия парламенти «Европа Иттифоқида доимий яшовчилар вақоми тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчаларни рад этди. Зеро, бу халқаро ҳужжатнинг мамлакатда амал қиладиган қонунларга тўғри келмайдиган жиҳатлари бор эди.

● АҚШнинг жанубий-шарқий қисмида рўй берган кучли торнадо оқибатларини барта-раф этиш ишлари амалга оширилмоқда. Торнадо аниқса Жоржия, Миссури ва Алабама штатларига катта зарар етказди. Довул натижасида фақат Алабама штатининг ўзидан 11 кишининг ҳалок бўлганлиги ва 50 дан ортик кишининг жароҳатланганлиги айтилмоқда.

● Беларусь Президенти Александр Лукашенко Европа Иттифоқи ва АҚШ билан муносабатларни яхшилашга тайёр эканлигини билдирди. Бу ҳақда у «Ал-Жазира» телеканали орқали чиқишида баёнот берди.

● Ер қуррасидаги кўплаб кишилар кеча ноёб табиий ҳодиса — тўлиқ Ой тутилишининг гувоҳи бўлишди. Ойнинг тўлиқ бўлмаган кейинги тутилиши шу йилнинг август ойида бўлиб ўтади.

● Мексика қишлоқ хўжалигига чигирткалар хуружи катта зарар етказмоқда. Уларга қарши кўрилатилган кимёвий ва бошқа чоратadbирлар ҳам қутилган натижага бериаяпти. Чигирткаларнинг бу қадар кўпайишига асосий сабаб қурғоқчилик эканлиги қайд этилмоқда.

● Покистонда «Толибон» ҳаракатининг етакчиларидан бири қўлга олинди. Яъни Афғонистонда толиблар ҳукумати пайтида мудо-фаа вазири вазифасида ишлаган мулла Убайдулла Охун Қветта шаҳрида мамлакат хавфсизлик қучлари томонидан қамоққа олинган.

● Еврокомиссия «Microsoft» компаниясига қўлланилган жарима миқдорини кунига 5 миллион еврогача кўпайтирмоқда. Бу ҳақда Европа Иттифоқининг расмий вакили Жона-тан Тодд маълум қилди. Унинг айтишича, мазкур компания ЕИ бозорига рақобат қонун-қоидаларини бузмоқда. Бугунгача «Microsoft» компанияси тўлаган жарима миқдори 1 миллион еврога етди.

## ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ  
2 МАРТ КУНИ ОҚСАРОЙДА МИСР  
АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНING  
ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВАЗИРИ  
ФОИЗА АБУННАЖО ХОНИМИ  
ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

— Ўзбекистонда Миср Араб Республикасини ва унинг раҳбари Хусний Муборакни жуда яхши билишадди, — деди Ислам Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлаб. — У нафақат араб олами ва мусулмон дунёси, балки бутун жаҳонда яхши танилган давлат арбобидир.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муносабатлар ривожланиб бормоқда. Хусусан, парламентлараро алоқалар, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги ўзаро маслаҳатлашувлар фаоллашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 1993 йилда пойтахтимизда фаолият бошлаган Миср Араб Республикаси элчихонаси Ўзбекистонда очилган биринчи араб дипломатик ваколатхонаси ҳисобланади.

Президент Ислам Каримовнинг мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин хорижий давлатларга илк ташрифларидан бири ҳам Миср Араб Республикасига бўлган эди. 1992 йилнинг декабрь ойида амалга оширилган ушбу ташриф икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим

воқеа бўлган эди. Мазкур ташриф чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида шартнома, сармояларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битим, иқтисодий ва илмий-технавий ҳамкорликка, ҳаво транспорти қатновига доир қатор ҳужжатлар имзоланди. Ҳозирги кунда йигирмадан зиёд икки томонлама ҳужжат амал қилмоқда.

Мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Масалан, сайёҳлик, тўқимачилик, фармацевтика, нефть кимёси, энгил саноат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда икки томон учун манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин. Лекин ҳамкорликнинг ҳозирги кўрсаткичлари имкониятлар даражасидан анча паст. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3,6 миллион АҚШ доллари ташкил этгани, юртимизда Миср ишбилармонлари билан ташкил этилган атиги икки қўша корхона фаолият кўрсатгани бу фикрни тасдиқлайди.

Ўзбекистонда Миср эҳромлари ва қадимий обидаларига, Мисрда Ўзбекистоннинг тарихий обидалари ва муқаддас қадимжоларига қизиқиш катта. Сайёҳлик йўналишидаги ҳамкорликнинг муайян механизми ишлаб

чиқилса, икки томон учун ҳам сайёҳлар сони анча ошган бўлур эди.

Ўзаро ҳамкорликни бугунги кун талаби даражасида ривожлантириш борасида Фоиза Абуннажо хонимнинг юртимизга ташрифи давомида ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-технавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро қўша комиссиясининг бешинчи мажлиси муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида маданият, илм-фан, таълим, санъат ва маънавият соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Бунда Миср элчихонаси ҳузуридаги Фан ва таълим марказининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Фоиза Абуннажо хоним 1975 йилдан буён дипломатия соҳасида фаолият кўрсатиб келади. Ўтган асрнинг 90-йилларида БМТ Бош қотибининг махсус ёрдамчиси ва сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси вазифаларида ишлаган.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, бу борадаги мавжуд имкониятлардан имкон қадар тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Фоиза Абуннажо хоним Ислам Каримовга Миср Араб Республикаси Президентини Хусний Муборакнинг мактубини топширди.

(ЎЗА)

## АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ТОШКЕНТДА МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВАЗИРИ ФОИЗА АБУННАЖО ХОНИМ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ДОИРАСИДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН-МИСР ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯСИНING БЕШИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишларда, жумладан, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани кайд этилди. Миср ишбилармон доираларидан иборат деле-

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

гация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказди.

Ташриф якунида томонлар икки томонлама ҳужжатларга имзо чекдилар. Жумладан, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Миср Сайёҳлик вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси билан Мисрнинг Технологиялар ва илмий тадқиқотлар академияси ўртасида ҳамкорликка оид дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳият қурилиши академияси билан Миср Араб Республикасининг Анвар Саудат номидаги Бошқарув санъати академияси, Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан Мисрнинг Миллий ёшлар кенга-

ши ўртасида эса англашув меморандумлари имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Фоиза Абуннажо хоним иштирок этди.

Мисрлик меҳмонлар Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументини бориб кўрдилар. Темурийлар тарихи давлат музейидаги экспонатлар билан танишиб, Абул Қосим мадрасасини зиёрат қилдилар.

— Ўзбекистонга ташриф асосида юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор берил-

ётганига гувоҳ бўлдик. Истиқлол ва порлоқ истиқбол, эзгу ниятлар рамзи бўлмиш Мустақиллик ва эзгулик монументи ҳам бунинг ёрқин ифодасидир, — деди Фоиза Абуннажо хоним. — Аниқса, мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар ўрганиш ва ҳавас қилишга арзийди. Шу билан бирга, ISECO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни қувонтирганини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг миллий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатларига берилган муносиб баҳо, буюқ аждодларингизга билдирилган юксак эҳтиром ифодасидир.

(ЎЗА)

## ОЗОД ЮРТНИНГ ИЛК ОРДЕНИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА  
ОНАЛИК ВА  
БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ  
ҚИЛИШ ҲАМДА  
ЁШЛАРНИ ҲАР  
ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-  
ҚУВВЛАШ БОРАСИДА  
ИЗЧИЛЛИК БИЛАН  
АМАЛГА  
ОШИРИЛАЁТГАН  
СИЁСАТ БУГҮН ЎЗ  
САМАРАСINI  
БЕРМОҚДА. ИСТИҚЛОЛ  
ҒОЯЛАРИГА СОДИҚ,  
МАРД ВА ЖАСҮР,  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ  
САЛОҲИЯТИ ЮКСАК  
АВЛОД  
ШАКЛЛАНМОҚДА.**

Мустақил Ўзбекистонда Президент Ислам Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги фармони билан таъсис этилган биринчи орденининг «Соғлом авлод учун» деб номланган суверен мамлакатимизнинг эзгу

мақсадини дунёга намойн қилган эди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида гамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчига айланди. Мамнуният билан қайд этиш керакки, ўтган йиллар давомида ана шу мақсад, ана шу муқаддас бурч изчил амалга оширилмоқда. Бугун ушбу орден кўплаб юртдошларимизнинг кўрагини беэаб турибди. Улар жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилиб, миллий тараққиётимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган замондошларимиздир.

«Соғлом авлод учун» ордени билан мамлакатимизда оналик ва болаликка қўйиб кўлаётган ёш авлоднинг сонининг мустаҳкамлаш, уни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишида алоҳида

хизмат кўрсатган юртдошларимиз тақдирланадилар. «Соғлом авлод учун» ордени билан бошқа давлатлар фуқаролари ҳам муқофотланиши мумкин.

Президентимизнинг «Соғлом авлод деганда биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайдими», деб айтган гапларининг нақадар ҳаётийлиги халқимиз эришаётган ютуқларда ўз ифодасини топмоқда. Бугун мамлакатимизда оналар ва болалар учун етарлича шароит, муҳайё қилинмоқда. Юртимизнинг қай бир бўшаси ё маҳалласига борманг, аввало, ёшлар учун бунёд этилган замонавий таълим масканлари, мухташам спорт саройлари, соғлиқни сақлаш



муассасаларига кўзингиз тушади.

Халқимизнинг соғлом авлодни вояга етказиш борасида эришаётган ютуқларини халқаро ҳамжамият ҳам тан олмоқда.

Соғлом авлод, соғлом фикр, соғлом турмуш тарзига эришиш билан боғлиқ бундай олижаноб мақсадлар «Соғлом авлод учун» ордени замирида мужас-сам.

**Ж. МЕЛИКУЛОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси**

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизда барча коммунал хизматлари кўрсатиш, жумладан, соҳага оид туман таъмирлаш ва авария-тиклаш ташилотлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фонди, ижтимоий объектлар, муҳандислик тармоқларини кузги-киши мавсумга тайёрлаш борасидаги ишларини мувофиқлаштирувчи махсус маркази доимий фаолият юритади.

Сизнинг таклифларингизни инobatга олган ҳолда ҳамда белгиланган тегишли ишларни ўз вақтида тўлиқ яқунлаш, шунингдек аҳолини кузги мавсумида иссиқлик, электр қуввати, ичимлик суви, газ билан мунтазам таъминлаб бориш мақсадида уй-жойлар тасарруфида аниқланган барча камчиликлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ҳузурида янги ташкил этилган ва куну тун фаолият юритувчи диспетчерлик хизмати-га **0-55 ТЕЛЕФОНИ** орқали мурожаат этишингизни сўраймиз.

Мурожаатларингиз бўйича аниқланган барча камчиликлар юзасидан тезкор чоралар кўрилади.

Ишонамизки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бевосита аҳоли билан бу борадаги ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ишларимизда қутулган натижаларга эришишга асос бўлади.



Наврўз таралдуи

КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИШЛАР

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА УМРБОҚИЙ БАЙРАМИ—НАВРЎЗИ ОЛАМ АРАФАСИДА ЮРТИМИЗДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ЮМУШЛАРИ АВЖ ОЛМОҚДА. МАЗКУР ТАРАДДУД ДАВРИДА ПОЙТАХТИМИЗНИ АНВОЙИ ГУЛЛАР ВА ДОВ-ДАРАХТЛАРГА БУРКАБ, БОҒУ БЎСТОНГА АЙЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА БАРЧА ТУМАНЛАРДА КЎКЛАМГИ ИШЛАР ҚАТБИЙ РЕЖА АСОСИДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.


— Утган—2006 йилнинг куз фаслида,— дейди Чилонзор туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Хамза Холмуродов,— туманимизни намунали худудга айлантиришни эзгу мақсад қилган ҳолда 18 та худудларга бўлиниб, уларга туманимиз ҳокими, ҳокимнинг биринчи ўринбосари, бўлим бошлиқлари, бошқармалар раҳбарлари мутасаддилик қилишди. Биринчи навбатда ишни аҳоли зич жойлашган кўп қаватли уйлар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ораста сақлаш, ноқонуний қурилишларга барҳам бериш, ахлат, чикиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқиб кетилишидан бошлашни режалаштирдик. Шу боис айти кунларда ушбу кўп қаватли уйлар атрофида жорий таъмирлаш юмушлари бажарилмоқда. Асфальтлаш, ариқ, зовур, ирригация шохобчаларини тозалаш ишлари кўнгилдагидай кетмоқда. Айниқса, тумандаги «3-Чилонзор» худуди таркибига кирувчи «Катта Чилонзор», «Новза», «Хирмонтепа», «Шарқ», «Шароф» маҳаллаларида истикомат қилувчи аҳоли баҳорги юмушларда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.

Бошқарманинг 200 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилари тумандаги Наврўзи олам тантаналари ўтадиган Ўзбекистон Миллий боғида, 25 та

марказий кўчалар чорраҳаларида гулзор яратиш мақсадида эрта баҳорда очиладиган маргаритка, виола гуллари ва 38 мингтадан ортиқ атиргуллар экишти. Игна баргли — можжевелник, қарағай ҳамда туя арчаларидан 40 мингта туп ўтказилиши режалаштирилган бўлса, бугунги кунга улардан 25 мингта игна баргли дарахтлар, Тошкент Халқа автоўли четларига 8 мингта тераклар ўтказилди. Бундан ташқари, кўркам, манзарали сафура, эман, ясеень ва бошқа кўллаб турдаги дарахтлар экилмоқда, жами ҳозирда ободончилар 32 минг тупдан ортиқ шу турдаги дарахтларни ўтказишти.


Шу билан бирга, тумандаги 150 тадан ортиқ бекатлар ҳам тартибга келтирилмоқда, яъни таъмирталаб соқиб, ўриндиқлар таъмирланиб, янгидан бўялмоқда, атрофлари орасталаниб, кўкаламзорлаштирилмоқда. Хийбон, майдон, марказий кўчаларни доимо саранжом-сарашта сақлаш учун ариқ, зовур ҳамда ирригация шохобчалари тозаланган, тўпланган ахлат, чикиндилар ободонлаштириш бошқармаси тасарруфига 10 та транспорт воситалари кўмағида шаҳар ташқарисига олиб кетилмоқда.

«Хашар — элга ярашар» деб ҳалқимиз бежиз айтмаган. Шу кунларда туманимиз қайси ерида бўлманг, маҳаллаларда истикомат қилувчи кексаку ёш, бу ерда жойлашган корхона, таш-



килот, ўқув юр்தларининг ишчилари қадриятларимиз гултожи ҳисобланган Наврўз байрами олдида ҳашарларни уюшқоқлик билан ўтказаетганининг гувоҳи бўласиз. Бунда фуқароларга мададкор бўлаётган техника воситалари туман «Махсустрас» корхонаси ва бошқа ташкилотлардан ҳам эҳтиёжга кўра жалб қилинмоқда.

Ҳадемай, аввалги йилларда экилган дарахтлар оклиб, турфа ранг-



ларда очилиб, кўзларни қувнатувчи бир йиллик гуллар иссиқхоналардан ва манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат ҳўжалигидан келтирилиб ўтказилади, кеч кузгача чаманзор бўлиб очилган гуллар шахримизга ажиб бир тароват бағишлаб туради.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

ТАКЛИФ-МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 25 АВГУСТДАГИ «МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДА ТАЪКИДЛАНГАНДЕК ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, ХАЛҚИМИЗ, АЙНИКВА ЁШ АВЛОД ҚАЛБИ ВА ОНГИГА ОНА ЮРТГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛГА САДОҚАТ ТҮЙҒУЛАРИНИ ЧЎКУР СИНГИРДИШ МАСАЛАСИ БУГУНГИ КУНДА ТОБОРА ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Ушбу масалаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш муҳим вазифалардандир. Яқинда Тошкент шаҳар Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамда шаҳар Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ўтказилган йилгилида ҳам худди шу масалаларга кенг эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидланди. Йилгилида туманлар «Маҳалла» жамғармалари раислари ҳамда туман Маънавият тарғибот марказлари раҳбарлари иштирок этдилар. Йилгилида сўзга чиққан шаҳар Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳим Нодиров ҳамда шаҳар Маънавият тарғибот маркази раҳбари Иброҳим Абдуганиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиғи муҳбирига берган «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи» интервьуси бўйича ҳар бир маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, бунинг асл мақсад ва моҳиятини тушунтириш, шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 23 февралдаги «Наврўз умулхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллаларда Наврўз байрами тадбирларини ўтказиш, шунингдек, маҳаллаларда байрамга қизгин тайёргарлик кўриш, аввало ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини бирдамлик ва уюшқоқлик билан ўтказишга кенг эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашти. Шу билан бирга Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан туман Маънавият тарғибот бўлими ҳамда «Маҳалла» жамғармаларининг ҳамкорлигини кўчатириган ҳолда маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни юқори савияда ўтказиш зарурлигини айтиб ўтишти.

Йилгилида шунингдек, бошқа масалалар юзасидан ҳам муайян таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Дилором ИКРОМОВА

ЎЗБЕКИСТОН-БМТ ХАМКОРЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРЛАШGAN МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛГАННИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНGAN АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда университетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар, сисёатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди. Ўзбекистоннинг БМТ билан алоқалари йилдан-йил ривожланиб бормоқда. Ташкилот ва унинг ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО сингари қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислоом Каримовнинг БМТ минбаридан илгари сурган глобал аҳамиятга молик кўплаб ташаббуслари бугун халқаро миқёсда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Марказий Осиёни ядро қуролдан холи худуд деб эълон қилинган оид ташаббус бунинг ёрқин далилидир.

Тадбирда Ўзбекистон билан БМТнинг ҳамкорлиги ҳамда ушбу ташкилотнинг халқаро майдонда тунган ўрнига бағишланган маърузалар тингланди.

2007 йил — Ижтимоий ХИМОЯ йили

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ МУҲОҲАЗАДА

ТОШКЕНТДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОҲАЗАЛАШ БОРАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТGAN ИШЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР, АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНGAN ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва муассасалар раҳбарлари, олимлар, перинатал марказ ҳамда туғуруқ мажмуалари бош шифокорлари иштирок этди. Мамлакатимизда Президент Ислоом Каримов раҳномалигида тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

файли оналар ва болалар ўлими, тугма ногиронлик ҳолатлари кескин камаймоқда. Туғуруқдан кейинги оғир асоратларнинг олди олиняпти. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида бу борада ишлар кўламини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига таянган ҳолда акушерлик ва гинекология соҳасида тиббий хизмат кўрсатишнинг ягона стандартларга асосланган тизимини жорий этиш зарурлиги қайд этилди. Бу борада мамлакатимиз ва жаҳон тиббиёти илгор таҷрибаларини ўзлаштириш ва омналаштириш долзарб аҳамиятга эга. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бош мутахассиси Шаҳноза Баҳодированинг айтишича, бошқармада ана шу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмфан ариштиётган ютуқлар, янги даволлаш усуллари ҳамда тиббий воситаларни қўллаш, бу борада ягона стандартларни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш юзасидан аъёнанаъвий анжуманлар ташкил этиш режаси тасдиқланган. Анжуманда акушерлик ва гинекология соҳасидаги энг долзарб масалалардан бири — хомилиқдор аёлларда ҳафакан касаллиги ҳамда туғуруқ жараёнидаги асоратлар олдини олиш ва даволашнинг илгор усуллари, воситаларидан фойдаланиш масалаларида таҷриба алмашилди. Бу борада мамлакатимиз илмфани ва жаҳон тиббиёти ютуқларига оид маърузалар тингланди.

(ЎЗА)

БОР БЎСИН ЯХШИЛАР

Донолар «Утирган бўйра, юрган дарё» деб хўп айтишганда. Ҳар қалай йўл юрган одам турли тасодифларга дуч келади. Таниш, нотаниш одамлар билан учрашди, суҳбатлашди. Тунов кўни йўлда бораётган бир йигит билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. — Йўлимиз бир шекили отахон,— деди у мен билан ёнма-ён келган, саломлашди.

Ийгит ҳижосясини бошлади.

— Ужакон, биласан ўшанда Халил акадан қарз кўтарган эдик. Худодо шўкр, анчасини қайтарганман. Мени ҳисобимда у кишига яна 100 минг сўм беришим керак эди. Кўриб турибсан, аҳволим оғир, укаларинг ёш, тоғишининг мазаси йўқ. Қиёмат қарз. Сен жигаримсан. Уша қолган пулни Халил акага сен бериб орани очди қилсанг. — Арзимас пул экан, ташвиш тортманг. Мен бериб у кишини рози қиламан. Акам вафот этди. Уч-тўрт кунлик таъзиясини ўтказиб Халил аканинг олдига бордим. Учрашдик. — Акангиз яхши одам эди. Дўстимнинг умри қисқа экан. Кўп азият чекдим. Нима ҳам қилардик. Бандачилик биродар, сизга, оиласига сабр берсин. Нега бу ерда турибмиз. Уйга кирайлик. Юринг. Узримни айтиб, қиёмат қарзини Халил аканинг қўлига тутдим. У «Олимаман, мен мингдан мингта розиман. Бу пулни яхшиликларингизга

тирдим. Иссигида бориб кела қолай деб яқин уртадаги бозорга кириб ул-бул харид қилдим-да, касалхонага жўнадим. — Анча мазалари йўқ. Олдиларига кирмаганингиз маъқул. Уринтириб қўясиз, — дейишди шифокорлар. Бир зумга кириб-чиқишимни айтиб илтимос қилдим. Ниҳоят тез кириб чиқиб шарти билан розилик билан Олимжон ўрнидан турмоқчи бўлди. — Кимирлама, кимирлама, — дея уни жойидан қўзғатмадим. — Қандай шамол умиди? — сўради у қутилмаганда пайдо бўлиб қолганидан хайрон бўлиб. — Сенинг шамолинг. Ахир бугун туғилган кунинг-ку. Сени қутлагани борсам касалхонада эканлигингни айтишди. Узр дўстим, олдинроқ Халил билмабман. Шунинг учун тўғри касалхонага келавердим. — Ҳа, шундай бўлиб қолди. Бу

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

— Акам вафотидан олдин Халил ака деган кадрдон дўстлариникига меҳмонга бордик. Мезбон бизни очик чехра билан кутиб олди. Унинг таклифи билан ҳовлига, кейин уйга кирдик. — Хўп, яхши келибсизларда, — деди у дастурхон атрофидан жой олиб бўлганимиздан сўнг хушнудлик билан. — Яхши меҳмон ош устига деб шўнга айтдиларда, худди билгандек шу бугун янгангизга ош буюрган эдим, — деди-да қаршилигимизга қарамай, «Мен ҳозир-дея ташқарига чиқиб чой келтирди. Хали чойдан бир пиёладан ичиб улгурмасимиздан лаганди ховури чиқиб турган ош келтирилди. Меҳмондорчилик асосида суҳбат қизиди. Алла-паллада кўзалдик. — Йўқ, — деди мезбон, келиш меҳмондан, изн биздан, кетмайсизлар.

Акам раҳмат айтиб узр сўради. — Тунов кўни сиздан бир нарса сўрамоқчиман, деган эдингиз. Уртага одам аралашиб суҳбатимиз узилди қолди. Нима демокчи эдингиз ўшанда, — сўради Халил ака дастурхонга фотиҳа ўқилгандан сўнг. — Эсингиздан чиқмабди, раҳмат. Аслида келишимиздан мақсад ҳам шу эди-да акахон. Биласиз, қурилиш қилганман. Шўнга озроқ пул зарур бўлиб қолди. Халил ака тез ўрнидан турди. «Бир дақиқага» дея ташқарига чиқди. Кейин кириб: — Бемалол ишлатаверинг. Дўст дўст бошига иш тушганда керак-да. Шўшмайла тоғанингизда берарсиз, — деди у акамнинг қўлига сўраган пулни тўтказиб. Миннатдорчилик билдириб хайрашдик. Дўстининг ёрдами туфайли акам чала қолган қурилишини битказиб олди. Орадан йил ўтиб у қаттиқ бетобланиб қолди. Улими олдида менга шундай деди:

ишлатинг», деб олмади. Зўрласан у астойдил хафа бўлди. Ушанда шу гапни айтиб маслаҳат сўраганимда сиз: «Шўнақа яхши одамлар кўп дунёда. Лекин барибир бироз вақт ўтказиб у кишининг олдида яна бир-икки марта ўтинг. Агар розилик билдириб олмасалар, унда қиёмат қарз сизнинг акам, акангизнинг ҳам бўйнидан соқит бўлади», деган эдингиз. — Э ўҳа, энди эсладим, — дедим воқеа тафсилотини эшитгач. — Хўш-хўш нима бўлди, олдиларидан ўтдингизми? — Ҳа, икки марта ўтдим. Қанча уринмай у киши розилик билдириб олмадилар. — Ундай бўлса ҳеч азият чекманг биродар. Уша яхши инсон астойдил сиздан рози бўлган бўлса, биллингиз. Худо ҳам рзи бўлади.

Иўлда бораёяману ўйланаман. Биз нақадар меҳр-оқибатли халқмиз-а. Чиндан ҳам орамизда ўзгара ёрдам қўлини чўзадиган дину дёнёнати, саховатли инсонлар кўп.

ДАМ ҒАНИМАТ

Бу хонадонда кўп марта бўлганман. Болалиқ кадрдоним Олимжон билан ўтган ёшлиқ хотираларимизни эслатади бу уй. Бугун хонадон соҳиби — Олимжоннинг туғилган кўни. Табриклагани битта тўнни кўптиқлаб келсам, хар доим гавжум бўладиган хонадон жим-жит. Хайрон бўлиб эшик кўнгиригини босдим. Ёшгина бола эшикни очди. Ундан Олимжонни сўрасам «Бобом уйда йўқлар, касалхонада ётибдилар» деди. Билдимки, бу бола дўстимнинг набираси. — Уйда ким бор, онанг борми? Овозимни эшитиб ичкаридан дўстимнинг аёли чиқди. Саломлашгач у: — Оғайнингизнинг тоблари йўқ, Касалхонада ётибдилар, — деди маъносилан.

Дарҳол манзилени сўраб-суриштирдим. Иссигида бориб кела қолай деб яқин уртадаги бозорга кириб ул-бул харид қилдим-да, касалхонага жўнадим. — Анча мазалари йўқ. Олдиларига кирмаганингиз маъқул. Уринтириб қўясиз, — дейишди шифокорлар. Бир зумга кириб-чиқишимни айтиб илтимос қилдим. Ниҳоят тез кириб чиқиб шарти билан розилик билан Олимжон ўрнидан турмоқчи бўлди. — Кимирлама, кимирлама, — дея уни жойидан қўзғатмадим. — Қандай шамол умиди? — сўради у қутилмаганда пайдо бўлиб қолганидан хайрон бўлиб. — Сенинг шамолинг. Ахир бугун туғилган кунинг-ку. Сени қутлагани борсам касалхонада эканлигингни айтишди. Узр дўстим, олдинроқ Халил билмабман. Шунинг учун тўғри касалхонага келавердим. — Ҳа, шундай бўлиб қолди. Бу

Сафар таваллуд кунини касалхонада нишонлайдиган бўлдим, — қулди у. — Анча-мунча суҳбатлашиб ўтирдик. Турақолай десам дўстимнинг гапи тугамасди. Хар қўзалганимда «Утиравер, ўзим зерикиб ётган эдим», деб кетишга изн бермасди. Алла-паллада ўринимдан турдим. — Энди сени билан қайта қуришамизми, йўқми билмадим. Лекин... — Яхши ният қил, — дедим унинг сўзини бўлиб. — Соғайиб кетасан. Хали сен билан яхши кўнларни кўп нишонлаймиз. — Қайдам, — деди у хомуш тортиб. Шу тариқа дўстим билан хайрлашдик. Чиндан ҳам унинг аҳволи оғир эди. Олимжон билан бу сафар узоқроқ қўришмаганимизни эслаб йўл-йўлакай ўзимни-ўзим койиб бордим. Баъзан шўнақа бўларкан. Кўндалик ташвиш, ишлар билан овора бўлиб яқинларингиз ҳам унутиб қўярсансиз. Бўлмаса болалиқдан бира ўсган кадрдонимни эсламай қўяримиди.

Маънавият ТАНТЕНА БИЛАН НИШОНЛАНАДИ

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА БИНОАН БУ САНА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ МАРКАЗЛАРИДА ХАМ БАЙРАМ ҚИЛИНАДИ. Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг махсус буйруғи чиқарилди. Унда умумтаълим мактабларида йил давомида Абдулла Қаҳҳор кўнларини ўтказиш тадбирлари белгиланди. Ушбу кенг қўламли режага кўра хар бир вилоят, шаҳар ва туман билим ўчоқларида атоқли адиб ҳаёти ва ижодига бағишлаб адабий кечалар, таниқли ёзувчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилади. «Абдулла Қаҳҳор—ҳижосяннис», «Абдулла Қаҳҳор — сўз устаси», «Адиб ва ёшлар», «Атоқли драматург» деган мавзуларда иншоолар танлови ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланадилар. Янги ҳужжатли фильмини суратга олиш ҳам кўзда тутилди.

МУЗЕЙДА ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ


ЎЗБЕКИСТОН ФАЛНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕЙИДА 17 МИНГДАН ОРТИҚ ЭКСПОНАТЛАР МАВЖУД. БУЛАР ОРАСИДА ЎЗБЕК МУМТОС АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ ХАМДА «ХХ АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ АРБОБЛАРИ» КИТОБЛАРИ ХАМ ТАЛАЙГИНА. Музей томонидан босмага хозирланган альбом ва плакатларда устоз адиб Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳам ўз ифодасини топган. Халқимизнинг сезимли ёзувчиси асарлари каталогини тузишга киришилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Насрий, драматик асарларга оид каталогда бу каби ижод намуналари орқали томошабин ёзувчи роман, қисса, ҳижоқа ва новеллалари, драмаларнинг ўзига хос тавсифи билан ҳам ошно бўлади. Абдулла Қаҳҳорнинг юз йиллик юбилейига бағишланган катта кўргазма очиш таралдуди ҳам кўрилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Кўргазмалар

ЭНГ ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» МЕҲМОНХОНАСИДА УЧ КҮН ДАВОМИДА «КАДР. ЧИРОҚ. ОВОЗ.» НОМЛИ КИНИМОГРАФИЯ, ТЕЛЕРАДИОУЗАТИШ ВА ОВОЗ ЁЗИШ УЧУН АСБОБ-УСКУНАЛАР ХАМДА ХИЗМАТЛАРНИНГ 1-ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШGAN КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Таъкидлаш жоизки Ўзбекистон киноиндустрияси миллий телерадиокўрсатув ва эшиттиришлар ҳамда овоз ёзиш соҳаларининг кейинги йилларда фаол ривожланиб бориши энг янги технологияларнинг жорий этилишини тақозо қилмоқда. Ушбу соҳадаги анжумлар ва хизматлар доираси тобора кенгайиб бормоқда. Шу сабабдан энг янги ускуналар ишлаб чиқариш ва хизматлардан фойдаланиш борасида сўнги ютуқлар тўғрисидаги маълумотларни олиш зарурати туғилмоқда.

Янги кўргазма ҳам айнан кинотелекўрсатувлар ва овоз ёзиш индустрияси ривожланишининг замонавий даражасини намоийш этиш, илгор технологиялар ва материалларни тавсия қилиш, янги амалий алоқаларни ўрнатиш каби хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилган. Ўзбекистон миллий телерадиокўрсатув ва радиокўрсатув компанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамда «Ўзбекфильм» киностудиясининг қўллаб-қувватлаши остида ўтган кўргазма давомида «Кодак» компаниясининг семинари, «Олмос Антей телекоммуникациялари» компаниясининг тақдими ҳамда бошқа қатор тақдиротлар, шунингдек, ўзбек киноси кўнлари тадбирлари бўлиб ўтди. Халқаро кўргазма ишида Ўзбекистон, Россия, Германия, Қозғистон, Беларусь, Франция, Сингапурнинг ўттизта компанияси иштирок этди. (ЎЗ муҳбири) СУРАТЛАРДА: халқаро кўргазма фаолиятдан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар

ОЗ-ОЗ ҲУҒАНИД ДОМО БҒИЛҲ...

МАШРИҚЗАМИН—ХИКМАТ БҒСТОНИ

Муруват ўзи емай, толганини бошқаларга бериш бўлса, футувват (жавонмардлик, олижаноблик) барчага яхшилик қилиб, бу ҳақда баровга оғиз очмасликдир.

Маҳаллада айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама.

Мозию мустақбал аҳволин тақаллум айла кам, Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

Ўтган кундану ҳали келмаган кундан камроқ сўз оч, балки ҳозирги дамнинг ганимат бил.

Мўмин эрсанг, қилиб дуррингни нисор, Эл била равшан ўл нечукким шамъ.

Негаким, Тенгри ҳеч мўминда Бухлу бадҳўйлуқни қилмади жамъ.

Мўмин бўлсанг, толганингни халққа бериб, шам каби одамлар билан биргаликда хурсандчилик қил.

Майдонни саҳо ичра жалолат кўргуз, Топқонни берур амрига одат кўргуз.

Бухл айласа, нафсинга адоват кўргуз. Хар нимаки топилса, саховат кўргуз.

Саховат майдонда ҳиммат кўрсатиб, топганингни садақ қилишни одат эт. Нафсинг хасислик қилса, уни жазолаб, нимаки топилса, саховат кўрсат.

Молинги, эрур кому ҳаво йўлида харж, Жами маю маҳни жонфизо йўлида харж.

Бордур ямон айламак риё йўлида харж, Яхшиси эрур бўлса худо йўлида харж.

Молинг орзу-ҳавас, май жоми, жонга роҳат берувчи овоз ёки риё йўлида харж бўлгани ёмон, яхшиси Худо йўлида сарф бўлганидир.

Майл айла ҳамиша меҳрибонлар сори, Яхшилару турфа кордонлар сори.

Ҳамиша меҳрибон, яхши, турли ҳунарларни билладиган билимдон кишилар томон интил.

Мўмин бори элдин ўзни кам билса керак, Ҳақдин не анга келса, қарам билса керак.

Беҳикматлигини дарду гам билса керак, Хикмат топарини муғтанам билса керак.

Мўмин барча кишилардан ўзини кам деб билиши, Ҳақдан унга нимаки юзланмасин, лутфу қарам ҳисоблаши, хикматдан бебахралигини дарду гам, хикмат топса, унинг ганимат санаши керак.

Мушкул эмас ишққа жон ўртамак, Ўтқа не душвор жаҳон ўртамак.

Жаҳонни куйдириш ўтга кийин бўлмаганидек, жонни ўрташ ишққа ҳам мушкул эмас.

Мувашшаҳ хабарни чиндур деб дўстка еткурма' ва бировнинг айби воқеъ бўлса, юзига урма.

Пардоз берилган хар қандай сўзни хақиқат деб дўстка етказма ва бировнинг айби ошкор бўлса, юзига солма.

Маҳаллада берган эски чорпора тўн—саховат ва беаҳал берган зарбофт чорқаб—шақоват.

Ўз вақтида берилган эски йиртик тўн—саховат ва беаҳал берилган зарбофт тўн—ҳасислик.

Муфлис қонёв—ганин ва шоҳу гадодин мустағний.

Қаноатли камбағал—бой ва шоҳу гадога муштож эмас.

Мустағний—мағбун, мутақаббир—маль'ун.

Ўз давлатига мағрур—алданган, манманликка берилган—лаънатга қолгандир.

Мо дард дидеаему даворо шундидаем, Аз мо зи дард пурс вале аз даво мағурс.

Бир дардин кўрганми-ю, давони эса фақат эшитганимиз. Шунинг учун биздан дардин сўра, лекин давони сўрама.

Мадор чашми вафо аз халқи олам, Ки ҳеч як ба умеди вафо намешояд.

На умрашон чу вафо дораду на жону на жисм, Бигў, вафо зи ду-се бевафо кужо ояд?

Олам ахлидин вафо умид қилма, чунки уларнинг бирортаси ҳам вафо умид қилишга арзимади.

Ахир, на умрлари-ю, на жонлари-ю, на жисмларида вафо бор. Қани, айт-чи, бу икки-уч бевафода вафо қаердан ҳам бўлсин?

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент қурилиш коммунал коллежи томонидан 1999 йилда Ботиров Акмал Маннонович номига берилган № 298678 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

(Газетанинг навбатдаги сони 7 мартда чиқади)

Тадбирлар

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ

ЯКИНДА АБРОР ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА ЧИЛОНЗОР ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН ВОЯГА ЕТМАГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК, ЖИНОЯТЧИЛИК, ГИЁВАНДЛИК, АҚИДАПАРАСТЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА ЎТҚАЗИЛДИ.

«Вояга етмаганларнинг маънавий-ҳуқуқий ҳимояси» деб номланган ҳамда Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган анжуманга Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси, туман суди ва прокуратураси, туман Маънавият тарғибот маркази, туман «Маҳалла» жамғармасининг вакиллари, Чилонзор туманидаги 49 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари тақлиф этилди.

Театр залига йиғилган 400 га яқин қол-леж ўқитувчи-ўқувчилари ва меҳмонларда энг аввало тадбирни ўтказиш шакли катта таассурот қолдирди.

Коллеж директори профессор Жасур Кулмухамедовнинг тадбирни ноъбанавий тарзда, савол-жавоб шаклида ўтказиш тўғрисидаги таклифини йиғилганлар бир овоздан маъқуллашди.

Усмир қизлар ўртасида қонуш ҳолатларнинг олдини олишда қизиқарли мавзуда суҳбат олиб бориб ўқувчиларнинг

кўлаб саволларига турли ҳаётий далилларга асосланган ҳолда батафсил жавоб қайтарди.

Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг сабаблари ҳақида сўзга чиққан туман жиноятчилик ишлари бўйича суднинг судьяси Равшан Жўраев айрим ҳолларда вояга етмаган ёшларнинг жиноятчилик, гиёвандлик йўлларида кириб кетишларида оиладаги нотўғри тарбия, нотинч оилалар ҳам сабаб бўлаётгани, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш масалалари билан баъзи ҳолларда тумандаги ўрта махсус ўқув юртинининг мутасадди раҳбарлари ҳали ҳам жиддий шугулланмаётгани ҳақида гапириб, вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда адлия ҳамда ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари билан ўқув юртинининг ҳамкорлиги зарурлиги алоҳида тўхталди ва ўқувчи-ёшларни қизиқтирган оғзаки ҳамда ёзма саволларига жавоб қайтарди.

Шунингдек, тадбирда туман маънавият тарғибот маркази раҳбари Гулчехра Дўстматова сўзга чиқиб туман ёшлари ўртасида маънавий тарғиботни кучайтириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ёшларимиз онамга

она юртга муҳаббат, Истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, энг муҳими, уларда миллий ғурурни шакллантиришда катта аҳамиятга эга эканлигига тўхталиб ўтди.

Тадбирда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик, гиёвандлик, ҳуқуқбузарлик ҳолларини камайтириш, диний экстремистик оқимлар ва уларнинг зарарли оқибатлари ҳақида қизгин мунозаралар бўлиб ўтди.

Тадбир сўнгида Аброр Хидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театри актёрлари ижросида ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий онгини ошириш, гиёвандлик иллатига қарши курашга чорловчи спектакль намойиш этилди.

Уйлаймизки, Чилонзор туман ҳокимлигининг ташаббуси билан Тошкент Автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи жамоаси ҳамда маҳаллалар фаоллари иштирокида ўтказилган ушбу тадбир унинг қатнашчилигида катта таассурот қолдирди ва келгусида ўзининг ижобий самарасини беради.

Шавкат ЁҚУБОВ, Тошкент Автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи ҳузуридаги Ахборот-ресурс маркази раҳбари

Спорт янгиликлари

Каратэ

КУЧЛИЛАР — ШОҲСУПА ТҮРИДА

ШАҲРИМИЗДАГИ «ЖАР» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИДА КАРАТЭ БҒЙИЧА ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ИЛК ЙИРИК МУСОБАҚА—БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БҒЛИБ ЎТДИ.

Дастлаб якка ва жамоавий ката баҳслари ўтказилди ва унда ҳам-шаҳарларимиз энг юқори натижаларни кўрсатдилар. Яъни 1989-1999 йилларда туртилган ўғил болалар ўртасида Саидқаримхон Аъзамхўжаев, Артём Полуянов, Икром Мухиддинов, Сардор Жа-лилов, Санжар Маҳсумов, Суннат

Абдувоҳидов, Рустам Абдуллаев каби пойтахтлик ёш каратэчилар зафар қучишган бўлса, қизлар ўртасидаги шундай баҳсларда тўртта ёш тоифасидан утасида Тошкент шаҳри вакиллари омад кулиб боқди.


Якка кўмитэда самарқандлик қизлар кўпроқ шоҳсупа тўрини эгаллашди. Ўғил болалар ўртасида ўтказилган шундай мусобақаларда қашқадарёликларга тенг келадиганлар топилмади. Ушбу йўналишда Дилшод Кўчқоров, Ру-стам Ашуров, Суннат Абдувоҳи-дов, Сардор Алимов каби Тош-кент шаҳри каратэчилари бирин-чи ўринларни эгаллашди.

Бир сўз билан айтганда, мин-гдан ортиқ болалар ва қизлар чем-

пионатда ўз маҳоратларини яна бир қарра синовдан ўтказишди. Чемпионат жорий йилнинг октябрь ойида Туркияда бўлиб ўта-диган ўсмирлар ва ёшлар ўрта-сидаги жаҳон чемпионати олди-дан ўзига хос дастлабки кўрик ва-зифасини ўтади, десак хато қил-маймиз.

Чемпионатнинг голиб ва со-вриндорлари дипломлар, ким-матбаҳо совғалар билан тақдир-ланди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: каратэ бҒйи-ча болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбеки-стон чемпионатидан лавҳалар. Азамат Аҳмедов олган суратлар



ОИЛА МУСТАҲҚАМЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ АЁЛ БИЛАН. ЗЕРО СОҒЛОМ ОИЛАДА СОҒЛОМ АВЛОД ВОЯГА ЕТАДИ, КАМОЛ ТОПАДИ. ШУ БОИС МАМЛАКАТИМИЗДА АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИ БЕЖИЗ ЭМАС. КЕЛАЖАК АВЛОДНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ, БАҚУВВАТ ВА КОМИЛ ИНСОН БҒЛИБ ШАКЛЛАНИШИДА ОНАЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.

АЁЛ САЛОМАТЛИГИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Яқинда Шайхонтоҳур туманида-ги «Исломобод» маҳалла гузарига Республика саломатлик институти ҳамда ушбу институтининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан «Аёл саломатлиги — жамият бой-лиги» мавзусида тадбир ўтказил-ди. Унда «Исломобод» маҳалласи аёллари, фаоллар ва ёшлар ишти-роқ этишди. Тадбирни Шайхонто-ҳур туманидаги ўқув-даволаш ком-плекси директори Сабоҳат Мақсу-дова кириш сўзи билан очиб, ком-плексидаги ўқув жараёнлари, маҳал-лаларда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш тўғрисида гапирди. Республика репродуктив саломат-

лик маркази директори Дилфуза Ҳасанова «Аёлларнинг репродуктив саломатлиги», Шайхонтоҳур тумани акушер гинекологи Феруза Саидо-ва «Фертиль ёшидаги аёллар ка-салликлари», Шайхонтоҳур тумани-даги ўқув-даволаш комплексининг кафедра муdiri Ёқубжон Жўраев «ОИТС—XXI аср вабоси», Респу-блика Саломатлик институти мутахас-сиси Дилфуза Шайхова «Ҳаво-том-чи йўллари орқали юқадиган касал-ликлар» ҳақида маъруза қилдилар.

Тадбир якунида мавзуга оид слайдлар намойиш этилди, қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Гулором ҲАМИДОВА

Шифокор огоҳлантиради

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ КҒРИНГ

ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИ ЎТА ХАВФЛИ ОҚУМЛИ ҲАСТАЛИК ҲИСОБЛАНИБ, У БИЛАН ОДАМЛАР ВА ҲАЙВОНЛАР КАСАЛЛАНАДИ. ҚУТУРИШ КАСАЛИНИ ҚЎЗГАТУВЧИ ВИРУС ҲИСОБЛАНАДИ. ВИРУС ТАБИАТДА ИССИҚ ҚОНЛИ ҲАЙВОНЛАР ТАНАСИДА ЯШАЙДИ. ҚУТУРИШ КАСАЛИГИ ЮҚҚАН ИТ ЁКИ ҲАЙВОНЛАР ЖУДА ҲАМ ЖАҲЛДОР ВА ҚОПАҒОН БҒЛИБ ҚОЛАДИЛАР.

Одам танасининг тайшланган сўлаги орқали вирус организмга ўттиши натижада кутуриш касаллиги юқади. Вирус қон орқали инсоннинг бош миёси-га етиб келиб кўпая бошлайди. Баъзи ҳолларда кутурган ҲАЙВОНЛАР сўлаги кичкина тир-налган терига тўша бас, ка-

саллик юқаверади. Вирус одам танасига кирган-дан то касаллик аломатлари бошлангунча 2 ҳафтадан 6 ой-гача ва ундан кўпроқ вақт ўттиши мумкин. Вирус одамнинг бош ва орқа миёсига кириб, оғир мия шомоллашига олиб келади, бу юз фоиз ўлим билан тугайди.

Шунинг учун кутуриш касаллиги юққан одам, ҲАЙВОН ТОМОНИДАН тан жароҳати етказилганда зуд-ли билан шифокорга мурожа-ат қилиниб, кутуришга қарши ўз вақтида эмланса, уни ўлим-дан сақлаб қолиш мумкин. Кутуриш касаллигининг олдини олиш чораларидан бири, дай-ди ит ва мушукларни тутишдир. Зеро, Тошкент вилояти худуди-да ёввойи тулки, бўрилар куту-риш касаллигининг табиий ман-баларидан бўлиб, улар дайди ит ва мушуклар орқали Тошкент шаҳридаги уй ҲАЙВОНЛАРИГА юктиришлари мумкин.

Уй ҲАЙВОНЛАРИНИ кутуриш ка-саллигидан сақлаш учун ҲАЙ-

вонларни сақлаш қоидаларини билиш ва унга риоя қилиш ло-зим. Итларни уйда боғлиқ ҳолда, кўчага чиққанда эса мах-сус нёқоб ва арқон билан етак-лаш зарур.

Энг муҳими, уй ҲАЙВОНЛА-рини кутуришга қарши ҳар йили ўз вақтида эмлатиш ке-рак. Одамларни бу касаллик-дан сақлашда эса ҲАЙВОНЛАР-дан тан жароҳати олганда ўз вақтида кутуришга қарши эмланишдир. Агар ўз вақти-да шифокорга мурожаат қилин-мас, эмлаш тартиби ва талаби бузилса (спиртли ичимлик истеъмол қилиш) охири ачинарли ҳолатларга олиб боради. ШУ БОИС шифокор маслаҳатига амал қилинг.

Вазира МУТАЛОВА, Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокор ўринбосари

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЛПОНЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2007 йил 1 мартдан электр энергияси учун янги тариф ўрна-тилди, аҳоли томонидан маший эҳтиёжлар учун сарф қилинган хар бир кВт/соат электр энергияси нархи 43 сўм 70 тийин, ош-хонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 21 сўм 85 тийин белгиланди.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари ОАЖ

Педиатрия-илмий текшириш институти ва клиникаси жамоалари кли-никанинг катта ҳамшираси Гузал Сотволдиевна Аҳатовага онаси Назифа ҚУЛАХМЕДОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдирадилар.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

«Фарзандларим орасида кенжам То-пиболди қулоқсиз чиқди».

(Онанинг гапидан)

«Саодат бувининг бир оғи ерда, бир оғи гурда бўлса ҳам, пиёда юра ола-ди».

(Кўшниллар гийбатидан)

«Кечаги қилмишим учун қулоғим ости-да шавла қайнади».

(Шўх бола гапидан)

«Эрқатой кенжа ўғлим мени куйдириб адоий тамом қилди».

(Онанинг гапидан)

«Тойчоқ, қорнингиз ҳам очиб кетган-дир, иккитанига тунгиз ташлаб берайми?»

(Онанинг гапидан)

«Робияни кўз остимга олиб юрибман».

(Келин излаётган она гапидан)

«Шу бир ҳафта ичида ич-этимни еб битирдим».

(Аёллар суҳбатидан)

«Қобил қуруқ гапирганда гапга тўн кийдириб юборади».

(Дўстлар суҳбатидан)

«Болаларимнинг отасининг кўнглини топиш жуда қийин, битта гап кам, икки-та гапирсангиз тўнини тесқари кийиб олади».

(Аёллар суҳбатидан)

«Дарсимга комиссия кирган эди, ўзим-ни йўқотиб қўйдим»

(Ўқитувчи гапидан)

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Бюропта Ҳ-206